



Fidoyilik —  
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 11-oktabr, seshanba,  
119 (23.686)-son

**КУН  
ҲИКМАТИ**

Ёмон ишга қўл  
уришгина эмас,  
яхши ишни  
қилмаслик ҳам  
гуноҳдир

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews\_uz https://twitter.com/zarnews\_uz



## Муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси: **ХОРИЖДА ҚАНДАЙ, БИЗДА-ЧИ?**

Самарқанд шаҳрида Шарқ ва Европа мамлакатлари муаллифлар мулквий ҳуқуқларини жамоавий бошқарувчи ташкилотлар Халқаро ассоциацияси (ASIPREEC)нинг навбатдаги йиғилиши доирасида “Муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини бошқариш: муаммолар ва уларни ҳал этиш механизмлари” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда Қозғистон, Молдова, Грузия, Швеция, Чехиянинг муаллифлар ва турдош ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар вакиллари, республика Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси ҳамда Олий Мажлис Сенати аъзолари бевосита ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO-Женева), Муаллифлар ва композиторлар жамиятлари халқаро конфедерацияси (SIZAK-Париж) ва Озарбайжон ташкилоти вакиллари ZOOM платформаси орқали иштирок этди.

Мазкур конференцияни ўтказишдан мақсад муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борадаги халқаро алоқаларни кенгайтириш, тузилган ҳамкорлик шартномаларини амалда қўллаш, мулквий ҳуқуқларни минтақа ва халқаро доирада бошқариш механизмларини жорий этиш, республикамизнинг соҳага оид халқаро мажбуриятларини бажаришга қўмаклашиш, ташкилотлар ўртасида ахборот алмашинуви кенгайтиришдан иборат, - дейди Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси раиси Б.Тошев. - Муаллифлик ҳуқуқларининг бузилиши бугунги кунда ўта долзарб масалага айланди. Рақамли технологиянинг ривожланиши ва интернет тармоғи имконияти кенгайishi билан интеллектуал мулк улкан таҳдид остида қолди. Интеллектуал мулк объекти бўлган фан ва адабиёт, санъат асарлари, фильмлар, фонограммалар интернет тўғрисидаги хамминг “қўли етадиган матоҳ”га айланди.

Аммо аксарият давлатларда интеллектуал мулк

давлат томонидан ҳимояланади. Юртимизда ҳам муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасига қаратилган қатор қонун ҳужжатлари бор. Хусусан, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуннинг 19, 39-моддаларида муаллифнинг асаридан фойдаланилганлик учун муаллифлик ҳақининг тўлиниши хусусида ҳуқуқий нормалар келтирилган. Фақат бу қонунларга қатъий амал қилиш, ижросини таъминлаш керак.

Конференцияда соҳага оид муаммоларга ечим топиш, халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш, дунёда юзага келаётган воқеликлар ва рақамли муҳит шароитларини инобатга олиб, соҳага замонавий ва таъсирчан механизмларни жорий этиш, хориж тажрибасини чуқур ўрганиш асосида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқий тарғибот ишларини янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Қозғистонда муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи 20 дан ортиқ ташкилот тузилган, - дейди Қозғистондаги “КазАК” бош директори Б.Есеналиев. - Лекин бундай ташкилотларнинг кўпчилиги ва келишмовчиликлар натижасида муаллифлар ҳамда бошқа ҳуқуқ эгалари ўзларининг мулквий ҳуқуқларини амалга оширишда турли қийинчиликларга дуч келмоқда. Масалан, аудиоасарлар, телесериаллар ёки мультфильмлар муаллифларини бошқарадиган битта ташкилот тузиш ва уни тартибга солиш мумкин. Бугунги конференцияда шу каби муаммоларга ечим хусусида экспертлар билан тажриба алмашдик.

**Ф.РЎЗИБОВЕВ.**

## БУЛУНҒУРДАН ЖУМА ШАҲРИГАЧА ТЕЗЮРАР ПОЕЗД ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Матбуот уйда вилоят транспорт бошқармаси бошлиғи Ақобир Ашуров иштирок этган матбуот анжуманида Самарқанд шаҳридаги Бўстонсарой, Ибн Сино, Беруний, Мирзо Улуғбек, Гагарин, Регистон, Панжикент кўчаларида автобуслар учун алоҳида йўлаклар ташкил этилиши таъкидланди.

Журналистлар ва блогерларга Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузурида жамоат транспорти тизимини бошқариш учун “Лойиҳа офиси” иш бошлагани маълум қилинди.

рой - Мирзо Улуғбек”, “Бўстонсарой - Амир Темур”, “Ибн Сино - Афросиёб”, “Ибн Сино - Даҳбет” ва “Г-34 - Усмон Юсупов” номи кўчалар кесишувида ўрнатилган янги све-

ҳам светофорлар ўрнатилди. Йил якунигача Хитойдан “King Long” русумидаги 80 дона автобус келтирилса, 2023 йилдан бошлаб электробуслар харид қилинади. Шунингдек, келгусида Булунғур туманидан Жума шаҳригача бўлган масофада тезюрар поезд қатнови йўлга қўйилиши кўзда тутилган.

Матбуот анжуманида вилоят бўйича 67 та, Самарқанд шаҳрида 21 та жамоат



- 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Хавфсиз ва раvon йўл” умуммиллий дастурига асосан, кўчаларимизда тирбандликни камайитиш мақсадида “Бўстонса-

тофорлар автомат тарзда бошқарилмоқда, - дейди Ақобир Ашуров. - Шунингдек, 45 та чорраҳа ҳамда 16 та тартибга солинмаган чорраҳа ва пиёдалар ўтиш жойларида

транспорти йўналиши харажатларини қопламаганлиги тўғрисидаги ўз фаолиятини тўхтатганлиги таъкидланди.

**ДИЛМУРОД ТЎХТАЕВ.**

## СУВ КЕЛТИРГАН – АЗИЗ

Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари 2026 йилгача Тараққиёт стратегияси доирасида амалга ошириладиган бешта энг муҳим вазифани алоҳида қайд этганди. Жумладан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи доимо диққатимиз марказида бўлади, деб таъкидлаганди.

(Давоми 3-саҳифада) >>>

## 18 октябрь – Самарқанд шаҳри куни

1996 йилдан буён мунтазам нишонлиб келинаётган мазкур санада бир қатор тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

## Самарқанд шаҳри куни қандай нишонланади?

Жумладан, 14-24 октябрь кунлари Қорасув массивида, Фарход шаҳарчасида, Алишер Навоий номидаги марказий ҳамда “Ёшлик” истроҳот боғларида, “Нурафшон” санъат саройида концерт дастурлари намойиш этилади. Шу кунлари шаҳримиз меҳмонлари Регистон майдонида тунги чироқлар шоу дастуридан ҳам баҳраманд бўлишлари мумкин.

Алишер Навоий кўчасида тўртта рамзий дарвоза ўрнатилди. Кўчанинг Камол Отатурк ҳамда Амир Темур кўчаларигача бўлган қисмида “Табиат саховати” кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилади.

Ёшлар маркази биноси ёнида

“FOOT GOURT” ва миллий таомлар сайли бўлиб ўтади. Шаҳар куни муносабати билан 18 октябрда тарихий обидалар ва музейлар бепул бўлади. Ўқувчилар ўртасида “Азим шаҳрим - Самарқандим”, “Самарқанд тарихи” мавзуларида онлайн иншолар, шеър ва қўшиқлар танловлари ўтказилади.

Байрам куни бир қатор янги корхона ва ташкилотларнинг бинолари, савдо дўконлари, дорихона ва меҳмонхоналар фойдаланишга топширилади. Жумладан, 5-оилавий поликлиника янги бинода ўз фаолиятини давом эттиради.

**Д.ТЎХТАЕВ.**

8-9 октябрь кунлари Самарқанд эшак эшиш каналида триатлон (сузиш, велоспорт, югуриш) бўйича “2022 Asian Triathlon Cup Samarkand” Осиё кубоги ва Ўзбекистон чемпионати беллашувлари бўлиб ўтди.

Мусобақанинг очилиш маросимида Спортни ривожлантириш вазири А.Икромов, Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик кенгаши котиби, Ўзбекистон триатлон федерацияси раиси В.Махмудов ва вилоят ҳокими Э.Турдимов триатлон спортининг мамлакатимизда ривожланиб бораётгани, спортчиларнинг халқаро мусобақалардаги муваффақиятини эътироф этди ва спортчиларга омад тилади.

Шундан сўнг 30 давлатдан келган 70 нафар профессионал спортчи триатлоннинг классик йўналиши - очик ҳавзада 1,5 километрга сузиш, 40 километрга велоспортга, 10 километрга югуриш бахсларига киришди.

Мусобақанинг аёллар ўртасидаги баҳсида Жаҳон триатлон федерацияси байроғи остида қатнашган Тоус Хескага

## Триатлон бўйича Осиё кубоги ва Ўзбекистон чемпионати ғолиблари аниқланди



тенг келадигани топилмади. Хитойлик Хен Юлин иккинчи ва Венгрия вакиласи Науми Срасзеге учинчи ўринга сазовор бўлди.

Эркаклар ўртасидаги баҳсида испаниялик спортчи Давид Контеро Дел Кампо мутлак ғолиб деб топилди. Иккинчи ўринни Руминия спортчи-

си Феликс Дучампт, учинчи ўринни Люксембург вакили Григор Паэт қўлга киритди.


— Ушбу спорт тури билан кўп йилдан бери шуғулланман, - дейди испаниялик спортчи Давид Контеро Дел Кампо. - Узоқ йиллик меҳнатларим ушбу мусобақада самара берди. Чемпионат баҳонасида дунёга машҳур Самарқанднинг бетақорор обидалари билан танишдим.

Мусобақанинг иккинчи куниди 160 нафар хаваскор ҳамда профессионал спортчилар триатлон бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳсларида беллашди.

Мурасасиз кечган беллашув натижасига кўра, аёллар ўртасидаги баҳсида тошкентлик спортчи Алина Ҳақимова ғолибликни қўлга киритди. Унинг ҳамшарҳи Муслима Жумабоева иккинчи, наманганлик триатлончи Ойдина Икромова учинчи ўринни эгаллади.

Эркаклар баҳсида ҳам тошкентлик спортчи Александр Куришов чемпионликни тантана қилди. Яна бир тошкентлик спортчи Арслон Турсунов иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Қашқадарё вилояти вакили Икромжон Умаровга учинчи ўрин насиб этди.

**Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.**



Бугун ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 7-9 даража илиқ, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади. 12-15 октябрь кунлари ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 5-10 даража илиқ, кундузи 23-28 даражагача иссиқ бўлади. Самарқанд гидрометеорология бошқармаси.

## ОБУНА – 2023 “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталарига 2023 йил учун обуна бўлинг

**БИЗ:**  
• Самарқанд ҳаётига оид муҳим хабар ва янгиликларни газеталаримиз ва интернетдаги саҳифаларимиз орқали биринчилардан бўлиб ёритамиз;  
• маълумотларни биринчи манбадан олиб, сизга етказамиз;  
• ҳолис таҳлил ва танқид қиламиз;  
• энг муҳим, фойдали маълумотларни сизга илинамиз.

Газеталаримизга обунани таҳририятнинг ўзидан ҳам расмийлаштиришингиз мумкин! Садоқатли муштарийларимизнинг талаб ва таклифларини инобатга олиб, ўТГАН ЙИЛГИ НАРҲДА қолдирдик!

“ЗАРАФШОН” газетаси (ҳафтада уч марта)нинг обуна нархи:  
• 640 минг сўм (якка тартибда таҳририятдан олиб кетиш, Самарқанд шаҳридаги бошқармалар, муассасалар, йирик корхона ва ташкилотларга етказиб бериш шarti билан);  
• 768 минг сўм (матбуот тарқатувчилар орқали етказиб бериш шarti билан).

ОБУНА ИНДЕКСИ  
**5502**

ЭНГ КўП ОБУНА УОШТИРГАН ТАШКИЛОТЛАРГА ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАРИМИЗ ҲАМ БОР!

ОБУНА ИНДЕКСИ  
**5504**



“САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК” газетаси (ҳафтада икки марта)нинг обуна нархи:  
• 468 минг сўм (якка тартибда таҳририятдан олиб кетиш, Самарқанд шаҳридаги бошқармалар, муассасалар, йирик корхона ва ташкилотларга етказиб бериш шarti билан);  
• 561 минг 600 сўм (матбуот тарқатувчилар орқали етказиб бериш шarti билан).



ХАЙДОВЧИЛАР

КИМ?

**Қай бир манзилни қўлаб йўлга чиққан ҳар бир инсон йўл ҳаракати иштирокчиси ҳисобланади. Энди унинг манзилга етиб бориши барча йўл ҳаракати иштирокчиларининг амалдаги қоидаларга қанчалик риоя қилишига боғлиқ. Бу ўринда транспорт воситалари ҳайдовчиларига катта масъулият юкланади.**

Йўл ҳаракати қоидалари йўлларда тартиб ўрнатиш, йўловчиларнинг эсон-омон манзилга етиб олиши учун ишлаб чиқилган. Бу қоидалар бузилган ҳар бир ҳолатда албатта, кимгадир зиён етди. Шунинг учун ҳайдовчилик ва йўловчилик маданиятини ривожлантириш лозим.

Статистик маълумотларга кўра, 2021 йилда 10001 та йўл-транспорт ҳодисасида 9 минг 230 нафар фуқаро жароҳатланиб, 2 минг 436 нафари ҳалок бўлган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг аксарияти автомобилни маст ҳолда бошқариш оқибатида содир этилган.

Аслида қондабузарликларнинг барчаси салбий ҳолат, аммо маст ҳолда машина бошқариши умуман оқлаб бўлмайди. Автомобилни маст ҳолда бошқариш деганда нафақат алкоғоли ичимлик, балки наркотик модда таъсирида ёки бошқа ҳолатларда бошқариш ҳам назарда тутилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси "Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш" деб номланган.

Бу моддада алкоғоли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситасини бошқаришнинг топшириш каби ҳолатларга ҳуқуқий баҳо берилган.

Мастлик даражаси қондаги алкоғоли микдорини ўлчаш орқали аниқланади. Қондаги алкоғоли микдорини аниқлашга қаратилган илмий ёндашувлар XX асрнинг 20 йилларида мазкур мавзу бўйича бир қатор ўрганишлар ўтказган швед тадқиқотчиси Эрик Видмарк тадқиқотларига бориб тақалади. Унинг асарларида келтирилган "Видмарк формуласи" усулидан ҳозирга қадар алкоғоли концентрациясини аниқлаш учун фойдаланилади. Қондаги алкоғоли концентрацияси микдоридан про-

милледа (фоизнинг ўндан бири) ўлчанади.

Автомобилни бошқарётган шахсни мастлик ҳолатида деб ҳисоблашга етарли асослар бўлган тақдирда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан унинг мастлик ҳолати текширувдан ўтказилади. Қўйидаги ҳолатлар текширув ўтказиш учун асос бўлади:

- ҳайдовчининг оғиз бўшлиғидан алкоғоли ҳиди келиши;
- ҳайдовчи бир ҳолатда тўғри тура олмаслиги (чайқалиб туриши);
- ҳайдовчи нутқининг бузилгани;
- ҳайдовчи қўл бармоқларининг қалтираши;
- ҳайдовчи юз териси рангининг сезиларли ўзгариши.

Ҳайдовчиларнинг мастлик фактини аниқлашдаги энг мақбул йўл уларни тўхтатилган жойнинг ўзида алкотестер ёрдамида текширувдан ўтказишдир.

Текширув олдидан ҳайдовчи алкотестернинг ишлаш тартиби билан таништирилади. Ҳайдовчи пуфлаганда, этанол буглари концентрацияси кўрсаткичи 0,135 миллиграмм ва ундан юқори бўлган ҳолларда ҳайдовчига нисбатан алкоғоли ичимлик истеъмол қилганлиги факти юзасидан маъмурий баённома расмийлаштирилади. Унга алкотестер орқали олинган маълумотлар илова қилинади.

Агар ҳайдовчи алкотестер ёрдамида текширувдан ўтишдан бош торса, алкотестер натижаларига рози бўлмаса, шунингдек, ҳайдовчи алкоғоли ичимлик таъсиридан маст ҳолатда эканлиги аниқланмаган, бироқ унинг гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлиги белгилари мавжуд бўлса, тиббий текширувдан ўтказиш учун туман ва шаҳар даволаш-профилактика

муассасаларига олиб борилади.

Тиббий текширув ҳайдовчи тўхтатилган пайтдан бошлаб узоғи билан бир соат ичида ўтказилиши лозим. Мастлик факти наркологик диспансерларда наркологлар ёки даволаш-профилактика муассасаларида махсус тайёргарликдан ўтган шифокорлар томонидан аниқланади.

Ҳайдовчиларнинг текширувдан ўтишдан бош тортиши, бўйин товлаши маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Бу қилмишга нисбатан жазо эса автомобилни маст ҳолда бошқариш учун қўлланиладиган жазо билан деярли тенг.

Кейинги пайтларда транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаш ҳоллари ҳам кўп учрамоқда. Бу ҳолат Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 136-моддасида мустақамланган ва ҳуқуқий баҳо берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 2021 йилда транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш ҳамда транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар қўғирғисидида ишларнинг кўрилиши бўйича суд амалиёти умумлаштирилди. Ушбу умумлаштириш натижаларига кўра, 2022 йил 5 сентябрь куни Раёсат қарори қабул қилинди.

Раёсат қароридан вилоятдаги ҳуқуқбузарликлар ошганлиги, шу жумладан, аёллар ва давлат идоралари ходимлари томонидан содир этилиш кўрсаткичи юқори эканлиги қайд этилди.

Дарҳақиқат, 2021 йил давомида вилоят судлари томонидан кўриб тасмавланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар 49618 нафар шахсга нисбатан 37859 тани ташкил этган. Шундан 6506 нафар (13,1

фоиз) шахсга нисбатан 6400 таси (16,9 фоиз) мазкур тоифадаги ишлар ҳисобланади. 41 нафар хотин-қиз маст ҳолда автомашина бошқаргани учун маъмурий жавобгарликка тортилган. Бу вилоят судлари томонидан МЖТКнинг 131-моддаси билан боғлиқ кўрилган ишларнинг 16,9 фоизини ташкил қилади. Шунингдек, 12 нафар хотин-қиз мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлагани учун маъмурий жавобгарликка тортилган. Бу рақам 136-модда билан боғлиқ кўрилган ишларнинг 8,5 фоизидир.

Шунингдек, давлат идораларида ишловчи 74 нафар шахс маст ҳолда автомашина бошқаргани учун МЖТКнинг 131-моддаси билан жавобгар бўлган. Мазкур тоифадаги ҳуқуқбузарликни содир этган давлат идораси ходимларининг соҳалар кесимидаги таҳлилда, айрим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки назорат қилувчи идораларнинг масъул мансабдор шахслари ҳам бор. Айрим давлат идораси ходимларининг ҳуқуқбузарлик содир этиш кўрсаткичлари юқори эканлиги аниқланди. Уларнинг 31 нафари таълим тизими, 10 нафари тиббиёт ходимлари бўлса, 6 нафари маҳаллий давлат ҳокимияти, 14 нафари банк ходимларидир.

Яна шунча, 74 нафар шахс МЖТКнинг 136-моддаси билан ҳуқуқбузарлик содир қилган, яъни мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан бош тортган. Вилоят ҳудудида мазкур тоифадаги ҳуқуқбузарликлар ошганлиги, шу жумладан, аёллар ва давлат идоралари ходимлари томонидан содир этилиш кўрсаткичи юқори эканлиги эътиборни тортади.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида вилоят суди тизимида МЖТКнинг 131-моддаси билан боғлиқ 3416 та иш 3474 нафар шахсга нисбатан кўриб тасмавланди. 3054 нафар шахсга жарима, 363 нафар шахсга маъмурий қамоқ жазоси қўлланилган. Маст ҳолатда автомашина бошқариб, маъмурий жазо олганларнинг 40 нафари аёллар, 3 нафари вояга етмаганлар ҳамда 179 нафари 60 ёшдан ошганлар эканлиги ачинарли.

Шунингдек, йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида вилоят суди тизимида МЖТКнинг 136-моддаси билан боғлиқ 843 та иш 843 нафар шахсга нисбатан кўриб тасмавланди. 750 нафар шахсга жарима, 86 нафар шахсга маъмурий қамоқ жазоси қўлланилган. Маст ҳолатда автомашина бошқариб, мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлагани учун маъмурий жазо олганларнинг 6 нафари аёллар ҳамда 64 нафари 60 ёшдан ошганлардир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш йўллардаги энг оғриқли нуқталардан бири бўлиб қолмоқда. Маст ҳолда бошқариш нафақат ҳайдовчи, кўпга бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳам бевақт ўлимига сабаб бўлмоқда.

**Толиб БОЙЗОҚОВ,**  
вилоят суди раиси  
ўринбосари.

# Мулк ҳимояси Президент ҳужжатида

**Жамиятнинг иқтисодий негизини мулк ташкил этади. Яъни, ижтимоий-иқтисодий тузилиши ҳам мулк билан, мулкнинг кимларга тегишли эканлиги билан белгиланади. Мулкнинг ижтимоий муносабатларини ривожлантириш, мамлакатда халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг имкони йўқ десак хато бўлмайди.**

Сўнги беш йил давомида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш, мулк ҳуқуқларини ноқонуний таъвозулардан ҳимоя қилиш муаммоси, айниқса, долзарб аҳамият касб этди. Шу сабабли бу даврда Президент ва ҳуқуқатнинг мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган 300 дан ортиқ ҳужжати қабул қилинди.

2022 йилнинг 24 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулк ҳимоясига асос бўлган ҳужжатларни бекор қилиш орқали эрга бўлган ҳуқуқни тугатиш, мазкур ҳужжатлар фақат суд томонидан бекор қилиниши, ердан ихтиёрий воз кечиши ҳуқуқат ёки ҳокимлик қарорлари билан расмийлаштириш, юридик шахс тугатилиши билан унинг ерига бўлган ҳуқуқларини бекор қилиш каби қатор талаб ва шартлар бекор қилинди.

Шунингдек, тураржойга бўлган мулк ҳуқуқларини амалга оширишда турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқларга ёки тураржой мулкдорини билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаганларни доимий рўйхатдан чиқариш учун уларнинг розилигини олиш, суд томонидан тураржойга нисбатан инсофли

эгалловчи деб топилган жисмоний шахсдан ушбу тураржойни унга нисбатан мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб уч йил ўтгач, натура шаклида талаб қилиб олиш бекор қилинди.

Шу муносабат билан фармонда бир қатор муҳим янгиликлар назарда тутилди. Яъни, мулк ҳуқуқини вужудга келтирилган ҳужжатни бекор қилиш орқали ушбу ҳуқуқни тугатиш мумкин эмаслиги белгиланди. Агар ушбу ҳужжат ноқонуний қабул қилинган бўлса, фақат суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин бўлди.

2023 йил 1 январдан Кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизими (UZKAD) кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри ва унга оид маълумотлар юритиладиган, маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилиги давлат томонидан кафолатланадиган ягона ахборот тизими ҳисобланади.

Умуман, мамлакат иқтисодиётини ҳар томонлама ва жадал ривожлантириш ҳамда давлат органлари билан муносабатларда ҳусусий мулк ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш учун бевосита шароитлар яратишда кучли туртки бўлади. Қайд этилган ҳужжат эса айна шу мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

**Баҳодир ҚАРШИЕВ,**  
вилоят ҳокимлиги юридик хизмат бош юрисконсулти.

## Тойлоқда нарх-навонинг ташвилашу бўлмайди

**Тумандаги деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш борасида режали асосда амалий ишлар қилинмоқда.**

Жорий йилда туман бўйича 20 та захира қилувчи ташкилот томонидан 2500 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, 1350 тонна картошка, 500 тонна пивё, 300 тонна сабзи, 350 тонна гуруч маҳсулотлари захирага жамғарилиши режалаштирилган.

Бунинг учун маҳаллий бюджетдан озиқ-овқат хавфсизлиги жамғармасига 680 миллион сўм маблағ ажратилди. Мазкур маблағлар асосида 4 та корхона томонидан озиқ-овқат жамғармаси учун асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиниб, босқичма-босқич истеъмол бозорига чиқарилмоқда.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш мақсадида бугунги кунгача 5 та корхона томонидан 18,1 миллион долларлик 12,9 минг тонна маҳсулот импорт қилинди.

Бундан ташқари, туман марказида ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлар ҳамда деҳқон бозорлари томонидан асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилган.

**Нигина РАҲМАТОВА,**  
Тойлоқ тумани ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари.



## Томорқадан хорижга

**Бугун деҳқон меҳнати қадр тояпти. Озгина ерда етиштирилган маҳсулот мўмайгина даромад келтиряпти.**

- Бир пайтлар ҳовлимизда етиштирилаётган ҳўл меваларни қуритиб, қишга олиб кўярдик, - дейди пайриқлик Олимжон Мирзақобилов. - Еганимизча ёб, қолганини арзиманган пулга сотардик ёки молларга берардик. Энди томорқа хизмати кўрсатувчи корхоналар фаолият бошлагач, томорқада етиштирилган маҳсулотларининг шартнома асосида уларга топширилуши ва бундан яхшигина фойда кўряпмиз. Улар орқали узум, ўрик ва олмаларимиз хорижга сотилляпти. Чекка қишлоқдаги ҳовлимизда етиштирилган маҳсулот хорижга экспорт қилиниши ҳаёлимизга ҳам келмаганди.

Пайриқ туманидаги "Челак томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамияти ўн турдаги ҳўл меваларни қуритиб, қадоқлаб, хорижий давлатларга экспорт қиялляпти.

- Цехларимизда 50 нафар ходим ишляйди, - дейди корхона мутахассиси Камолиддин Усмонов. - Жамиятга қарашли 40 гектар тоқзоримизда эса 40 киши иш билан банд, шунингдек, ўнлаб мавсумий ишчилар меҳнат қиялади. Шу ерда ҳамда аҳоли томорқаларида етиштириляётган маҳсулотлар шартнома асосида цехларга қабул қиялади. Улар қуритилиб, тозаланади ва қадоқланиб, экспортга чиқариялади.

Бир пайтлар бир неча ўн киши бажарган ишни бугунги кунда биргина қурилма амалга оширяпти. Масалан, майиз АҚШдан келтирилган махсус ускуна ёрдамида чўп ва бошқа чиқиндилардан тозаланади, ювилади ва қутиларга жойланади.

Корхона ўтган йили хорижга 3,5 миллион долларлик қуруқ мева сотган бўлса, бу йил 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қиялиши режалаштирилган.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,**  
Бахтиёр МУСТАНОВ (сурат).

# "Заковат"чи ўқувчилар

республикада фахрли ўринларни эгаллади

**Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Заковат" интеллектуал ўйинининг якуний босқичи ўтказилди. Унда республикамиз бўйича ҳар бир ҳудуддан учтадан, жами 42 жамоа ғолиблик учун беллашди.**

Турнирнинг якуний натижасига кўра, Фарғона туманидаги 36-мактаб жамоаси иккинчи ўринни, Нуробод туманидаги 11-мактаб ўқувчилари биринчи ўринни, Пахтачи туманидаги 12-мактаб жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди.

- Мактабимиз рейтинг бўйича туманда биринчи, вилоятда 33-ўринда, - деди Нуробод тумани Сазагон маҳалласида жойлашган 11-мактаб директори Фарида Наримова. - Ушбу мактабда фаолият олиб бораётганимга 30 йилдан ошди. Беш йилдан буён мактаб директориман. Мактабимизда ҳар ойда икки марта китобхонлик тадбири ўтказилади. Жамоамиз билан бирга болаларни китоб ўқишга қизиқтираемиз. Дастлаб мактабга директор бўлганимда кутубхонада атиги 250 та бадий китоб бор эди. Бугун 1700 дан зиёд бадий китобимиз бор. Жорий йил баҳорда ўқувчиларим "Ёш китобхон" танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринни олди. Мана шу жамоа "Заковат" интеллектуал ўйинларида мактаб, туман, вилоят, республика босқичларида ўз билимини синовдан ўтказди. Бу ютуқ бошқа ўқувчиларини ҳам янада кўпроқ китоб ўқиб, билим олишга ундайди, албатта. Бу йил мактабнинг 40 нафар битирувчисидан 50 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга кирди. Бундан ташқари, бу йил бошлангич синф ўқитувчиси Хусния Аллабердиева ва тарих фани ўқитувчи-



си Мадина Алимованинг дарслари туманда омалаштирилди. Кўп йиллик меҳнатларимиз бесапар кетмаганидан хурсандимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги "Заковат" интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида омалаштириш маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги

ёшлар ва талабалар учун йил давомида ҳар ойда бериладиган "Заковат" стипендияси таъсис этилган. Унга кўра, 1-ўрин учун базавий ҳисоблаш микдорининг беш баравари, 2-ўрин учун тўрт баравари, 3-ўрин учун уч баравари микдоридан йил давомида "Заковат" стипендияси тўла берилди.

**Хўршида ЭРНАЗАРОВА.**

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг фахрий профессор-ўқитувчилари билан мулоқот бўлиб ўтди. Унда фахрийларга кўрсатилаётган эътибор, таълим муассасаларида яратилаётган шароитлар, ҳамжиҳатликда амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

# Фахрийлар тажрибаси ёшларга ибрат

– Таълим табиатида кўра консерватив тизим бўлиб, у доимий ислохотга муҳтож, – деди Олий Мажлис Сенати аъзоси, фан арбоби, университет ректори Рустам Холмуродов. – Яхши таълим тизими орқали жамиятдаги аксар муаммолар ҳал бўлади. Мамлакатимиз раҳбари таълимнинг барча босқичларига катта эътибор қаратгани, кескин ўзгаришлар бўлаётганига гувоҳ бўламиз. Амалга оширилаётган ислохотлар инсоннинг қадрлинига хизмат қилмоқда. Аммо бу жараёнда битта ҳолатни алоҳида қайд этиш мумкин. Бу – талабалару домлаларнинг пахта далаларидан озод қилиниши. Пахтадан қутулишнинг умуман иложи йўқ, деб юрардик, ҳатто бу ҳақда орзу ҳам қилмай қўйгандик. Тизимнинг ичида юрганлар бу қайтиш осонликча бўлмаганини жуда яхши тушунади.

Фақат бу эмас, олий таълим тизимида ишлайдиган ходимларнинг ойлик маоши кескин ошди, илмий иш олиб бориш учун шароитлар яратилди, истаган ходимга чет элда изланиш олиб бориш учун имконият берилди. Хусусан, университет салоҳиятини яхшилаш йўлида катта мақсадларни, айтиш жоиз бўлса, анчайин юксак марраларни кўзлаганмиз. Илмий салоҳиятни академик даражага олиб чиқиш ниятимиз бор. Бу йўлда замонавий бинолар, энг сўнги лабораториялар билан жиҳозланган хоналарнинг ўзи етарли эмас. Олимларнинг интеллектуал салоҳияти юқори даражада бўлиши лозим. Сизлардан илтимосим, университетга ишга келаётган ёшларга тўғри йўл кўрсатиш, турли

ҳаётий қийинчиликларга қарамай, илмий изланишлар олиб борганингиз улarga ўрнак бўлсин. Бугун дунё миқёсда 160 та олий таълим муассасаси билан шартнома имзолаганмиз. Бундай имконият бирор марта бўлганми? Тадқиқотчилар ўша ерларда илмий изланишларини олиб бориши мумкин, тилни билса, бўлди. Афсуски, ёшларнинг кўпчилиги бу имкониятдан фойдаланмапти.

Фахрийлар билан учрашув қизгин фикр-мулоҳазалар билан кечди. – Кейинги олти йил ичида кекса авлодга давлат миқёсда берилаётган эътибор кишини руҳлантиради, – дейди университет фахрийлар кенгаши раиси, профессор Суюн Каримов. – Жумладан, “Фахрий мураббий” ордени ва “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони таъсис этилди, 152 та шахар ва туманларда Нурунийлар маскани мажмуалари қуриб берилди, жойларда нурунийлар жамоатчилиги кенгашлари, маҳаллаларда “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ташкил қилинди. Ҳар йили “Кексалар ҳафталиги”, “Кексалар учун туризм ойлги” каби тадбирларнинг ташкил этилаётгани биз учун кўрсатилаётган ғамхўрликнинг натижасидир.

Ҳозирда университетда фаолият олиб бораётган 300 нафарга яқин профессор-ўқитувчилар пенсия ўшида. Уларнинг 50 нафари фан доктори, профессор, 150 га яқини фан номзодлари.

Анжуманда нурунийларнинг билими, тажрибаси ёшларни тарбиялашда муҳим мактаб экани таъкидланди.

Гулрўх МҶМИНОВА.

67 ёшдаман, оммавий ахборот воситаларини доим кузатиб бораман. Кейинги йилларда ижтимоий тармоқларда ёки интернет сайтларда ҳам жамиятимизда, дунёда бўлаётган янгиликларни кузатиб бориш мумкин. Танқидларнинг ҳам кўп бериб борилаётганини кўряпмиз. Бу яхши, албатта. Лекин ҳаддан ташқари кўп танқид берилиши, одамларнинг тушқун, ишончсиз бўлиб қолишига олиб келаркан. Мана, ўзимнинг ҳаётимдан бир мисол келтирмоқчиман. Яқинда тобим бўлмади, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасининг марказий шифохонаси нейрохирургия бўлимида даволанишига тўғри келди. Тўғриси, бу ердаги шифокорларнинг муомаласи, шароитлар, даволанишнинг самарасини кўриб, шукр қилдим. Олижаноб, фидойи, ўз касбининг усталари бўлмиш шифокорларга дуч келганим омадимдир, балки. Лекин бу шифохонада бир неча марта даволанишига тўғри келди. Биласиз, бемор одам уқол-дорисини олгач, атрофни кузатади, хулосалар чиқаради. Ушбу шифохонада-

# Ижтимоий тармоқлар шифокорларга ишончимни йўқотганди, лекин...



ги кўплаб шифокор, тиббиёт ходимлари, фаррошларнинг ўз касбини виждонан бажараётганига кўп гувоҳ бўлдим. Назаримда, уларнинг аксарияти ҳақида мақола, кўрсатувлар тайёрлаш керак.

Шу ўринда базиларининг исмини келтиришни жоиз топдим. Р.Бектошев, И.Ражабов, Н.Хожаев, Д.Нажмидинова, Ф.Рустамова, Д.Амонова каби шифокор, ҳамширалардан беморларнинг рози эканлигини кўрдим. Оммавий ахборот воситаларини мудом кузатиб борганим сабабли, улар ҳақида айтишим керак, деган мақсадда ушбу мактубни ёздим.

Тўғри, улар ўз вазифасини бажарипти-ку, деб айтишимиз мумкин. Лекин қанчадан-қанча одамлар турли соҳаларда ишлаб, вазифасига панжа орасидан қараб келади. Яна бир нарсасга тушундикми, бугун одамларнинг ижтимоий тармоқларда бўлар бўлмаста айюҳаннос солиши, турли танқидлар ҳам ҳолис эмас экан.

Э.ХҶАМОВ,  
Самарқанд шахри.

# СУВ КЕЛТИРГАН – АЗИЗ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Аслида, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш энг катта ҳаётий эҳтиёжлардан бири ҳисобланади. Вилюятимизда ҳам аҳолининг ана шу эҳтиёжини қондириш мақсадида биринчи навбатда олис ва чекка ҳудудларда яшовчи фуқароларнинг ичимлик суви билан боғлиқ муаммоларини бартараф этиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар



амалга оширилмоқда.

Биргина 2022 йилда 307 миллиард сўм маблағ айнан ушбу йўналишга ажратилди. Бу маблағ ҳисобидан вилоят бўйича 687 километр ичимлик сув ва оқова тармоқларини қуриш, 80 та сув иншоотида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Бу ишлар натижасида 58 мингга яқин аҳолининг ичимлик суви таъминланади, 135 минг аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланади ва аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 65,6 фоиздан 70,5 фоизга, оқова суви билан таъминланиш даражаси эса 15 фоиздан 18 фоизга етади.

Шунингдек, аҳолидан келиб тушаётган мурожатларни илҳомий ҳал этиш ва тизимда юзага келаётган носозликларни бартараф этиш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 48,5 километр сув тармоғи тортилиб, 48 та ичимлик сув насослари янгисига алмаштирилди. Бунинг самарасида 5 минг нафардан ортиқ аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланди, 3 минг нафардан ортиқ аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Жумладан, Нуробод туманида жорий йилда 11 миллиард сўмлик 5 та ичимлик суви иншооти қуриш, 52 километр ичимлик сув тармоғи тортиш режалаштирилган.

– Туманимиз аҳоли масканлари асосан дашт ҳудудда жойлашгани ва тарқоқлиги сабабли тоза ичимлик суви асосий муаммо ҳисобланади, – дейди “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Нуробод тумани

филиали раҳбари Абдор Аҳмедов. – Лекин кейинги йилларда бу йўналишга эътиборнинг кучайиши натижасида қишлоқларимиз тоза ичимлик суви билан таъминланиб, аҳолини йиллар давомида қийнаб келган масалалар ҳал этилмоқда. Биргина жорий йилда 15 мингдан ортиқ аҳоли илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланмоқда. Бу билан туманимиз аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши қарийб 60 фоизга етади. Яқинда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан замонавий бургулаш транспорти харид қилдик. Ҳозирда ушбу техника ёрдамида Омондара маҳалласида сув қудуғи қурилмоқда. Маҳаллада 3 километрлик сув тармоғи ҳам тортилади.

Туманда инвестиция дастурлари ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда саховатпеша тадбиркорлар томонидан ҳам аҳолининг тоза ичимлик суви таъминотини яхшилашга қаратилган хайрли ишларга қўл урилмоқда.

Хусусан, йил бошидан буён Анжирли, Бошқудуқ, Жом маҳаллаларида тадбиркорлар ҳисобидан 3 та янги сув иншооти қурилиб, 5,5 километрлик тармоқлар тортилди. Натижада ушбу маҳаллаларнинг минг нафардан зиёд аҳолиси илк бор тоза ичимлик суви билан баҳраманд бўлди. Бундай савобли ишлар айна пайтда Сарикўл маҳалласида ҳам давом этирилмоқда.

– Шу пайтгача қишлоғимиздаги 70 хўжалик – 400 нафардан ортиқ аҳолини ичимлик суви муаммоси қийнаб келарди, – дейди сарикўллик Ибодулло Муродов. – Мана, энди бир неча йиллик муаммомизга ечим топилди, 3,4 километрлик ичимлик сув тармоғи тортилмоқда.

Туманимиз Дўстлик маҳалласида яшовчи фуқаролар ҳам бир неча йиллик орзулари ушалганидан хурсанд. Аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш юзасидан қилган мурожаатлари эътиборсиз қолдирилмади. Давлат инвестиция дастури асосида 1 миллиард 240 миллион сўм маблағ йўналтирилиб, мазкур қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

– Бизнинг Иброҳим ота қишлоғимиз аҳли учун бу мўъжизадек туюлмоқда, – дейди меҳнат фахрийси Жумабой Кенжаев. – Бизда ҳам артезиан қазилиб, хонадонларга ичимлик суви қувурлари тортилиши орзу қилардигу, бу амалга ошадими-йўқми, деб ишонмасдик. 6-7 километр олисдан сув ташиб келардик. Жуда огир эди-да. Шукр, энди у қунлар ортада қолди.

Жойларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни халқимиз ҳаёт тарзи ва сифатини янада яхшилаш, юртимизда инсон қадрини учун тамойили асосида кечаётган эзгу ишларнинг амалий ифодаси, дейиш мумкин.

Ҳ.ҲАСАНОВ.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарор ва фармонларига асосан, ўрмон фонди майдонларида дароҳт ва буталар селекцион уруғчилик базасини яратиш белгиланган.

# Ўрмонларда селекцион уруғчилик базаси яратилади



Бунда дароҳт ва буталар уруғлари тайёрланадиган доимий ва вақтинчалик уруғчилик участкаларини аниқлаш ва оналик плантацияларини ташкил этиш ҳам назарда тутилган. Ҳар бир ҳудуднинг тупроқ, иқлим шароитидан келиб чиқиб, экишга яроқли дароҳт-бута уруғларини териш, таҳлил қилиш ва уруғ сақлаш омборхоналарини ташкил этиш амалга оширилади.

Вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси тизимидаги барча давлат ўрмон хўжаликларидан уруғчилик соҳасида кенг қўламли ишлар олиб борилаётган. Ҳозирги мавсумда турли манзарали ва мевали дароҳт ва буталар уруғлари жамғарилмоқда.

Ўрмон фонди ер майдонларида дароҳт ва буталар селекцион уруғчилик база-

сини яратиш бўйича ҳозирги кунда бошқарма тизимидаги давлат ўрмон хўжаликларидан 245 гектар майдонда доимий ва вақтинчалик майдонлар аниқланди ва 50 гектар майдонда янги уруғчилик участкаларини ташкил қилиш режалаштирилди.

Жорий йилда Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида иш режаси бўйича Самарқанд ҳудудий ўрмон уруғчилик лабораторияси бошқарма тизимидаги давлат ўрмон хўжаликларини билан ҳамкорликда экишга яроқли дароҳт-бута уруғларини териш, таҳлил қилиш ва уруғ сақлаш омборхоналарини ташкил этиш бўйича семинарлар ўтказилмоқда.

Исроилжон ҲОМИДОВ,  
Самарқанд ҳудудий ўрмон уруғчилик лабораторияси мудири.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

# ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ИШГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқув жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМ-466-сонли қарорига асосан, Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига билан даражаси юқори, интеллектуал салоҳият ва профессионал маҳоратга эга педагог-ҳодимлар ишга танлов асосида қабул қилиниши, лицейга қабул қилинган педагог ва бошқа ходимларга ИИВ идоравий лицейларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-шароитлари тизими татбиқ этилиши белгиланган.

**Юқоридагиларни инобатга олиб, Ички ишлар вазирлиги Самарқанд академик лицейи куйидаги бўш (вакант) иш ўринларига профессор-ўқитувчиларни танлов асосида ишга таклиф этади:**

- инглиз тили (таълим ўзбек ва рус тилида олиб бориладиган гуруҳлар учун, “С1” даражасига эга бўлган номзодлар);
- немис тили (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган гуруҳлар учун);
- тарих (таълим ўзбек ва рус тилида олиб бориладиган гуруҳлар учун);
- кимё (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган гуруҳлар учун);
- математика (таълим ўзбек ва рус тилида олиб бориладиган гуруҳлар учун);
- информатика ва АТ;
- география (таълим ўзбек ва рус тилида олиб бориладиган гуруҳлар учун);
- ҳуқуқшунослик (таълим ўзбек ва рус тилида олиб бориладиган гуруҳлар учун).

**Кўшимча маълумотлар учун куйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: Самарқанд шахри Мароқанд кўчаси, 46-уй.**

## ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шуқруллаевна нотариал идорасида марҳум Набиева Меҳрига (2009 йил 11 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шуқруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўрайимиз.

**Манзил: Самарқанд шахри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.**

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Махамматов Раҳматулла Умарқуловичга (2020 йил 11 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўрайимиз.

**Манзил: Пайриқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 76-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолитдин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Каримова Мансурага (1979 йил 14 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолитдин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўрайимиз.

**Манзил: Самарқанд шахри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қодиров Улуғбек Толибович нотариал идорасида марҳум Хамдамов Раббимқулга (1999 йил 9 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда.

Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қодиров Улуғбек Толибович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўрайимиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳмедова Фарангиз Асламова нотариал идорасида марҳум Файзуллоева Халида Ваҳобовнага (2021 йил 25 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳмедова Фарангиз Асламова нотариал идорасига мурожаат этишларини сўрайимиз.

**Манзил: Самарқанд шахри Лутфий кўчаси, 80-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминқулович нотариал идорасида марҳум Хамраев Зиёга (1996 йил 12 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминқулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўрайимиз.

**Манзил: Самарқанд шахри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминқулович нотариал идорасида марҳум Бахретдинов Анаварга (1998 йил 21 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминқулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўрайимиз.

**Манзил: Самарқанд шахри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Юлдашева Рохатга (2001 йил 5 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўрайимиз.

**Манзил: Самарқанд шахри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Мавлянова Зулфияга (2020 йил 12 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўрайимиз.

**Манзил: Самарқанд шахри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

Бухоро солиқ коллежидан 2018 йилда Тураев Элдор Аброевич номига берилган К № 4969690 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги 111-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Қаюмова Сожида Карим қизи номига берилган УМ № 0968530 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги “INTRAMED” масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 301553442) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



ОТНИНГ гапирарга тили йўқ, холос

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

Ўроқбойнинг байтали ранги кўкиш бўлиб, "Ўроқбойнинг Замбари" номи билан машҳур эди. Уни бир мингдан киши қайтиб тушмасам, дейди. Кўплар шу байталдан той олишга қизиқди. Лекин у от билан қўшилмади. Ҳатто Саржин бобо ҳам не бир усуллари қўллади, фойдаси бўлмади.

Байтал маҳоватли эди. Саржин бобонинг ўлчамича отнинг узунаси уч метр, баландлиги 1 метр 70 сантиметр, узангидан узангигача бўлган бели чамаси икки метр эди. Бир бўлса, шунчалик бўларли от эди. Юрса, бир тўп отнинг дупурини берар, кўп-қарида менман деган отга устунлик қиларди. Пеш ақли ҳам бор эди.

Ўроқбой ақанинг Бозор кампир деган қайнонаси бўларди. Отбоқарлар қишлоқдан бир-икки чақирим наридаги Расулбердида яшашарди. Кўёви кекса кампирни қишлоққа жўнатмоқ учун Замбарнинг устига миндириб, орқасига ўғлини, қизини йўтказди. Йўлда кампирни йўтал тутиб, бир-икки "эхе", "эхе" дейди. Байтал учун бу "хув, хув" эшитилиб, кампир ва нева-ра устида чоптириб кетади. Момо йўғлайди, бола йўғлайди, дод солишади. Лекин от уллар қайси томонга қийшайса, совриси билан суяб, чопаверади. Тоза дод солиб йўғлагач, пайкагандай бўлиб, таппа-тақ тўхтади. Устидагилар ўзига келгач, яна йўлга тушади.

Урушдан кейинги йилларнинг бирида Қорақарғани от бўйи қор босди. Ҳозиргидай техника йўқ. Ишонч отларда бўлган даврлар. Не бир мақталган отлар қалин қордан ўмганини кўтаролмай, бола қолганида, Замбар иш кўрсатади. Устида одам тилиб, Нуротага йўл очиб беради.

Асл мол эди жонивор. Жиллов ҳам, қамчи ҳам керак эмас эди. Қаерга бошини бурсанг, типпа-тик кетар, аёлми, болами, от минганми, от минмаганми, бир илкис бермади. 1955 йили бир от қувшида бақайдан чиқиб, шу-шу қайта жойидан турмади. Афсона эди чоғи, у ҳам бир келиб, бир кетди.

ХУШВАХТ БАХШИ ХОЯСИЯ

Хушвақт деган бахшинамо дўстим бўларди, отбоз эди. Бир умр яхши отдан ажралмади. Отини ўзидан яхши кўрарди. "Ўроқбойнинг Байтали" номи билан машҳур бўлган Замбарни ўз кўзи билан кўрган.

Сойнинг доноси ҳам, муллеси ҳам кўп бўлган, - дейди Хушвақт. - Азал-азалдан маърака-мовриди мўл бўлиб, йиғинлари бебахши ўтмаган. Дўмбиралар қозик кўрмаган, халқи зерикшдан хаёл сурмаган. Бир зўр бахши Мирзо бахши бўлган. Чертиб айтганини, тўқиб битганини биз бажаролмадик, бунинг сабаби кўп.

Бахши синчиқ отбоз ҳам эди. Йилкининг зўрини тўғидан чиққан чангидан, келбатини шамолда елпинган ёлидан билгич, чаранасидан чиқмаган тойга баҳо бергич эди.

Шу одам нақд эллиқдан ошиб, бир отга ошиқ бўлади. Бешрабодда тўрт ашар тойга кўнгил қўяди. Той келинчақдай серчирой, тоза жийрон, оқ ёл эди. Шу сабабдан лақаби ҳам Оқёл бўлди.

Бахши бор пулига шу тойни сотиб

олди. Той от бўлиб, овозаси сойни тутди. Шайдоси кўпайиб, доврўғи тўрт чобарага кетди. Не бир чавандозлар ҳавасдан нафасини ичига ютди. Бу отни кўриб, кўзи ўйнамаган йигит қолмади. Белига биргина ўтиришдан умидворлар қокилидан мўл бўлди. У эмас, бу эмас, Мирза бахшининг ошиғи олчи туриб, дови келгани рост бўлди.

Сойда Бўрон Вақил деган бир давлатманд ўтган. У ҳам зўр отбоз саналган. Кўзига шу Оқёл ўтдай кўринибди. Яхши-ёмонни ўртага солиб, хар на бўлса, бахшини кўндириб, шу отни сотиб олмақ бўлибди. Бошда бахши кўнмабди, хархашасига кўл силтаб кетаверибди. Аммо иш ўсал бўлибди, бой эл оқсоқолини тўпплаб, дардини тўкибди:

- Бахшингиз серульфат одам. Давраси ҳам кенг. Жўжа бирдай жон. Менга Худойим давлат бериб, фарзанддан қисган. Шу жийрон менга овуноқ бўларми деб оғиз солган эдим, даҳмазаси кўп бўлди. Айтинглар, бахши бир тантилиқ қилсин.

Оқсоқоллар бу гапларни оқизмай-томизмай бахшига етказибди. Бахши ўндай ўйлаб, бундай ўйлаб, оғримаган тишини сўғуртирғандай, розилиқ берибди, аммо устига бир тийин ҳам кўймабди. Нимага олган бўлса, ана ўшанга берибди...

Бўрон Вақил от билан доврўғ солиб, яшнаб юрган даврлар ўзгарибди. Юртага Шўро эга чиқиб, давлатмандларнинг қўлидан борини супуриб олаверибди. Йўқ, деганини қулоқ қилиб, қамайверибди. Вақилнинг боши шишиб, охири бахшининг қошига борибди ва ёрилибди:

- Бахши дунёнинг ранги-туси ўзгарди, нима дейсан, отни сотган маъқулни ёки сўйган?

Бахши ғазабдан кўқариб кетиб, қаҳр билан дебди:

- Сен Вақил бой бўлдинг, эт кўйдинг, қорин солдинг. Аммо фаросатда нодонлигингча қолдинг. Бу отни аҳмоқ сотади, бефаҳм сўяди. Кўпга келган тўй, колхоз халқини бўлса, бер халққа, от сойда қолади! Шундай қилиб, Оқёл сойда қолиб, умумнинг мулкига айланибди.

Хуллас, бахши бир булоқ суви, катта чорвоғи билан, бой Оқёл ва бор давлати, бисоти билан колхозга кирибди. Оқёл колхознинг мулки бўлиб, айғир қўйилибди ва неча-неча тойлар олинди. Битовнинг Самани, Девбаланднинг Жийрони, Самари билан Эскининг Пойгачиси, Оқтепаннинг Қашқиси ва Чашманинг Бўзидан кам бўлмайди, минганга ҳам, ўзига ҳам обрў-эътибор келтирибди.

Яхшилар матал қилади, шу отнинг гапирарга тили бўлмаган экан, холос. Одам тушунарман нарсига ақли етар, фаросати кўп экан. Маҳоватми, ҳақиқатми, ҳарқалай, кўрганлар биланлар Қувондиқ Эргаш дегич чавандоз Оқёл билан гаплашарди, дейишади. Чавандоз Оқёлни ўзидан ҳам зиёд кўрган экан. Шу сабабдан Қувондиқ Эргашнинг лақаби ҳам "Оқёл" бўлиб кетган экан.

От бироз кексайгач, даргда чалинади. Авайлабгина Нуротага давлатгани олиб боришди. Йигирма кун деганда соғайиб, қозигига қайтади. Эй, оғайинлар, ишонинг-ишонманг, "қасал кўрди"га қишлоқнинг эрқағи аёли келди. Бу воқеа 1946-1947 йилларда эди.

1950 йилларда у от уюрнинг хос айғири эди. Бундай айтилса, Кара-

жат тоғидаги жамики йилқиға эга эди. Отбоқардан ўзириб, дашта кўз қулоқ эди: саксон, юз ўртасида байталу тойларни олиб юрарди. Тоғ бўрисиз бўлмайди. Бир намошом бўри галаси тўрт томондан ҳужум қилади. Оқёлнинг бир ўзи бўрилар тўдасидан зўр келиб, бир той ҳам олдирмай, бурчини аъло даражада ўтайди. Нечовини сиқиб бориб, тегиб-тишлаб қоядан ташлатади. Аммо ёши ўтган эмасми, шу воқеадан кейин яна даргда чалинади. Умри етганлигини англаб, уюр эгасиз қолганлигини билдирмоқ мақсадида бўлса керак, қишлоққа йўл олади. Икки тошлар юриб йиқилади ва Аламли деган жойда жон беради...

- Отга халқнинг меҳри шунчалик бўладики, боши кафанлиб кўмилди. Одамлар жанозага тўплангандек тўпланди...

1949 йилнинг киши бениҳоя қаттиқ келди. Нақд чиллада ерга икки метрлар чамасида қор тушди. Кўз очирмай бўрон турди. Шунчалик бўлдики, туянинг товони ерда турмай қолди.

Қорамолчилик фермасининг моллари тоғ орасида - Расулбердида қолиб кетди. Масофа олис. Ҳозиргидай техника йўқ. Раҳбарлар маслаҳатлашиб, кенгашиб, жамики яроқли отларни йғиди. Ҳар бирига юз килодан ем орттириб, таваккал деб йўлга солди. Менда уста Эрмухаммаднинг пойгачи бўзи.

Кўзни очиб, йўлни кўриб бўлмайди, фақат чамалаб борапмиз. На ўрни биламиз, на чуқурни, дала даст бирдай оппоқ.

Бўз нақд филда қувватли жонивор эди, тўрт пойгача қорга кириб кетса-да, тўши билан гуртукни ёриб бораётди. Устида айтганимдай, юз кило юк ва яна мен. Бели майишмайди, ўмганлаб, нақд сувдаги кемадай сўзиб боради...

Тоғ ошувига келганда отлар толиқди. Бовурда қорнинг қалинлиги эгар бўйигача етган. Орқага қайтиб бўлмайди, бутун бошли ферма, чўпон-чўлиги билан қор босиб, тоғда қолган. Улар нажот қутиб, йўлга кўз тикиб турибди.

Хуллас, сўнги чора деб Ўроқбойнинг байтали лақаби билан машҳур бўлган байтални олдинга солдик. Ақли жонивор эмасми, дардимизни тушуни шеклини, қорни нақд иккига тилиб, йўл очиб кетаверди...

Тоза зот от ҳам ориятчан бўлади, ҳам рашқчи. Айниқса, айғир тизиллайверади. Шундай бўлди. Тўққиз айғир орияти қўзиб, бир-биридан ўзиб, байталнинг орқасидан эргашди. Мен бу ҳолни кўриб, Махтумқулидан жўшиб қўйлаб бордим:

Яхшилардан ҳаргиз чиқмас ёмонлик, Асли ёмон бўлса, чиқмас омонлик. Аслига тортади чопқир, чаманлик, Чопқирни чаманга сотқувчи бўлма.

Ўроқбойнинг байтали бедов келбат эди. Кучда ҳам, меҳнатда ҳам бир айғирдан камлиги йўқ эди. Чаман эмас, тоза зот эди. Чаман дегани хирмончи хашаки от бўлади, йўқ, бу чириминан чопқир эди...

Урушдан кейинги йиллар эди. Қадимги Нурота - Карман йўлини қалин қор босиб, қатнов тўхтаб қолди. Яқин атрофдаги бўз йиғитлар довонни қордан тозалашга жалб этилди. Авазсойдан биз йигирма отлик бордик. Довонга йўл очиб, биринчи ошиб ўтган шу байтал бўлди. Овозаси ошгандан ошиб, эл назарига тушди.

Шу авлоддан тарқаган Кўкчипор лақабли отнинг ҳам таърифи баланд эди. 1959-1960 йиллар кишида Оқтоғни тўлиқ қор қоплади. Тўшидаги чорва отларини қор босди. Ёрданга келган ҳарбий техникалар тўхтаб қолди. Бозор қарвон шу от билан йўл очиб, бир шатак туяни юки билан Қўзтошга соғ-саломат элди. Отарга нажот етиб, қанча жон, мол омон қолди...

Эслайверсак, воқеалар мўл, шуниси ҳам тушунарманга кифоя: Гурўғлини Ғирқўк бўлди баноти, Бойчибордан Алпга етди муроди. Унутманглар, Хушвақ

бахши сўзини От дегани бу - йигитнинг қаноти. Сўюндик Мустафо НУРОТОЙ.

Гап нима ҳақида бораётганини зийрак ўқувчи дарҳол англади. Гап шундаки, бугун айрим кишилар, аниқроғи, бирор ташкилот, корхона ёки тадбиркор кимгадир кўмак берса, оғирини енгил қилса, эҳсон қилса, уни "кўз-кўз" қилиш учун турли йўллари қидирапти. Бу борада улар газета ё телевидениедан фойдаланишга интилаётгани ҳам бор гап.

Аслида бу мавзуда қоғоз қоралашимга ҳам шу билан боғлиқ воқеалар сабаб бўлди.

Телевидениеда ишлайдиган ҳам-қасбим билан бир тадбирга борадиган бўлди. Учрашиш учун вақт ва мўлжални белгиладик. Айтилган манзилга бориб, бироз кутиб қолдим. У йўқ. Телефон қилдим. Ҳамқасбим бир ҳолат туфайли кечиккани, бироздан кейин етиб келишини айтиб, уэр сўради. Келгач, йўл-йўлақай ўша ҳолатни айтиб берди.

Хонамдан чиқаётганимда бир ташкилот раҳбарининг ўринбосари келиб қолди, - деди у. - Бугун тушдан кейин ташкилотидан уч-тўрт киши "Саховат уйи"га бориб, қарияларга совға берар экан. "Шуни телевидениега чиқарсангиз", деб қолди. Билсам, бераётган совғалари арзимас, оддийгина. Жаҳлим чиқди. "Уялмайсизларми, шу нарсани қалби кемтик отахону онахонларга беришга ва уни телевизор орқали ҳаммага "кўз-кўз" қилишга", дедим. Анча тортишдик, охири "дард"ни айтди: "Ҳисобот учун керак-да!"...

Туман газетаси тахририятида ишлаган ҳамқасбим ҳам шунга ўхшаш воқеани айтиб қолди:

- Бир кун эрталабдан ҳокимиятга чақиринди. Бордим. "Бугун фалон

“Кўз-кўз” қилишга шошилманг

Сиздан нажот топганлар ишнинг натижасидан кўнгли тўлсин

Маҳаллада икки нафар кам таъминланган оила болаларининг суннат тўйи бўлади. Ҳоким боради, яхши-яхши расмлар, кўпроқ интервью олинглар. Мақолани газетанинг биринчи саҳифасидан, кўпроқ расм билан беринглар", деди ҳоким ўринбосарининг шу "иш"га масъул ходимларидан бири. "Бу эҳсонни "кўз-кўз" қилишдан нима наф? Халқки хабар қилиб берамиз, бўлди", дедим. Гапимдан тепа сочи тикка бўлиб кетган "амалдор" билан айтишиб олдик.

Афсуски, шундай ёки шунга ўхшаш ҳолатлар айрим ташкилот ва ҳокимликларда бўлиб турибди. Яъни, заррадек саховатни "кўз-кўз" қилиш "эпидемия"си жамият орасида анча тарқалди. Энди ўзингиз айтинг, эҳсоннинг расмиятчилик, хўжақўрсин учун ёки унинг "кўз-кўз" қилиниши кимга керак? Хўш, моҳият аслида нимада? Бировга қилган яхшилик, кўмакни ОАВда ёритишдан нима наф? Халқимизнинг "Ун қўлинг берганини чап қўлинг билмасин" деган доно нақли бор. Наҳотки айрим саховатпеша раҳбар ёки тадбиркорлар бу нақлни унутиб қўяпти.

Яна бир хунук жиҳати, ҳисобот, да-лолатнома учун эфирга узатиш, суратга олиб газетасига чоп эттириш одамлар-

Мулоҳаза учун мавзу



нинг орини топташ билан тенг. Аслида бунинг учун ўша кишининг розилигини олиш керак, фуқаро орияти инобатга олиниши шарт.

Эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга меҳр ва саховат кўрсатиш катта саъаб. Аммо яхшилик, кўмакни ошқора қилгандан кўра, пинҳона амалга оширганнинг саъо-би ўн қарра, юз қарра кўп. Масалан, орамизда ёрданга муҳтож одамларга ҳеч кимга овоза қилмай, ёрдан бериб келаётган саховатли инсонлар талай. Ёки аксарият закот берувчилар кимга, қанча бераётганини, пул ёки маҳсулот қиймати ва манзилни ошқора қилмайдилар. Бу жараён шундай одоб ва лутф билан амалга оширилса, қабул қилувчи унинг эҳсон эканлигини ҳам билмай қолади. Нега ҳамма шундай қилолмайди?

Самарқандимизда саховатли инсонлар кўп, савобталаб корхона-таш-килотлар талай. Аммо кўрсатилган муруватнинг ошқор қилишга барҳам бериш ўта саъоб иш. Бераётган эҳсон, қилаётган яхшиликни "кўз-кўз" қил-майлик, шу кўмакдан нажот топганлар ишнинг натижасидан кўнгли тўлсин, шунинг ўзи етади.

Акрам ҲАЙДАРОВ.

Ассалому алайкум, "Зарафшон" газетаси ва Zarnews.uz сайти ижодий жамоаси! Жорий йилни ўзгача кўтаринкилик билан қарши олдим. Сабаби Янги йил байрами арафасида хорижий давлатларнинг 13 та олий таълим муассасасига муддатидан олдин ўқишга қабул қилинганлигим ҳақидаги хушхабарларни эшитгандим. Бу ҳақда сиз фаолият олиб бораётган газетая мақола чоп этилди, сайтда видеолаважа жойлаштирилди. Ўша пайтда берган интервьюда АҚШдаги Wooster университетининг грантини ютиб олганим ҳақида гапиргандим. Шунингдек, мени талабалikka қабул қиладиган олий ўқув юртлари сони 20 дан ортиши мумкинлигини айтгандим. Мақсадимга эришдим ҳам. Дунёнинг 22 та нуфузли олий таълим муассасасига ўқишга кириш имкониятига эга бўлдим. Ўзимга маъқулни танладим.

АМЕРИКАДАН МАКТУБ

Ўзим орзу қилган Wooster университетида таҳсил оляпман.

Мана яқинда таълим муассасамизда 2022-2023 ўқув йили бошланди. Университетда 68 давлатдан ва Американинг 48 штатидан талабалар келиб ўқийди. Дарс жараёнлари кизиқарли ва ўзига яраша қийин. Ўзбекистонда мактабда, Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали қошидаги академик лицейда, шунингдек, қўшмича тўғарақларда олган билимларим бу қийинчиликларни енгиб ўтишда қўл келяпти. Бу ерда ҳам бўш вақтимни тил ўрганишга, билимимни бойитиб боришга сарфлапман. Дарсдан кейин университет кутубхонасида турли миллат вақил-лари билан бирга ўтилаётган мавзулар доирасида сўхбатлашамиз, фикр алмашамиз. Уларга Ўзбекистонда, хусусан,

Самарқанддаги ўзгаришлар, билим олишга интилаётган ёшлар ва улар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида гапириб бераман. Аксарияти, сўзларимга ҳайрат билан қулоқ тутиб, Самарқандга боришга қизиқиб қолганини айтади.

Ўқувчилик давримда юртимиздаги тарихий обидалар ҳақида инглиз тилида мақолалар ёзиб, ижтимоий тармоқларга жойлаб борардим. Бу ишни Америкада ҳам давом эттиряпман. Яқинда Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги мақолам Озарбайжон газетасида чоп этилди.

Хорижда ўқиб болалигимдаги орзуим эди. Бу орзунинг рўёбга чиқиши учун аввало, бобомнинг, шунингдек, ота-онамнинг, устозларимнинг ҳиссаси катта.

Эндиги мақсадим, университетни аъло баҳолар билан тамомлаб, болалиқдаги орзуим амалга ошиши учун имкониятлар яратиб берган Ўзбекистонимиз тарақиётига ҳисса қўиши.

Адҳамжон ЖАНОБИДДИНОВ.



Бу, албатта, мамлакатимизда ёшлар учун яратилган қулайликлар самарасидир. Бугунги кунда Америкадаман,

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Ўз нафсини тия олган одам ҳар қандай паҳлавондан кучли.

Болага гўдақлигидан бошлаб берилган тарбия келажақ учун сармоядир.

Ўзганинг ишончини суистеъмол қилиб, товламачилик билан даромад орттириш муттаҳамликдир.

Ўринбой НОРМАТОВ.

Муштарий фикри

Олтин медаль олган ўқувчига имтиёз йўқми?

Билими ва яхши хулқи билан мактабни аъло баҳоларга тугатиб, олтин медаль олаётган ўқувчиларга ҳеч қандай рағбатнинг йўқлиги ноҳақлик, деб ўйлайман.

Мактабимизни ўтган йили 3 нафар, жорий йилда 4 нафар ўқувчи олтин медаль билан тугатди. Агар ушбу ўқувчиларга олий ўқув юртларига кириш имтиёзи ёки бошқа кўринишдаги рағбат берилганда, қолган ўқувчиларнинг ҳам билим олишга интилиши янада ошарди. Афсуски, олтин медаль олган ўқувчиларга совға ҳам берилмайди.

Дилдора ШУКУРОВА, Самарқанд туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори.

Logo and contact information for Zarafshon newspaper, including 'MATBUOT UYI' and 'AMARQANDSKII VESTNIK'.

Publication details for MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi, including contact numbers and address.

Subscription information for Gazeta «Zarafshon», including contact details and pricing.

ISSN information and QR code for the newspaper, including ISSN-201667X and QR code details.